



# БУЮК СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ, Ислон Каримов вафот этган 2 сентябрь санаси Хотира куни сифатида белгиланган. Бу кунда жамоатчилик йиғилиб, Биринчи Президентимизни ёд этиш эзгу анъанага айланган.



Давлатимиз раҳбари 2 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди. Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Қуръон тиловат қилинди. Утганларни яхшиликлари билан эслаш — эзгу ғазилат. Аждодлар ҳурмати юйига қўйган инсоннинг ўзи ҳам ҳурматга лойиқ. Шавкат Мирзиёев истиқлолимизнинг

30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимда Ислон Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарганини таъкидлади.



Ушбу хотира тадбири ҳам халқимизнинг Биринчи Президентга ҳурмати ифодасидир. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва

идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этди. Ислон Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎЗА

# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ислон тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни ушбу анжуманга ташриф буюрди. Тадбир аввалида Қуръони карим оятларидан тиллов қилинди. Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлаб,

Ўзбекистоннинг мазкур банк билан ҳамкорлиги, истиқболдаги муҳим масалалар ҳақида нутқ сўзлади. — Банкнинг йиллик анжумани Тошкентда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Биз буни Ўзбекистоннинг ислон дунёси ривожига

қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда сўнгги беш йил давомида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг эътирофи, деб ҳисоблаймиз, — деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, Ислон тараққиёт банки гуруҳи 1973 йил ташкил топган. Бош қароргоҳи



Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда банкка 57 та давлат аъзо бўлиб, устав жамғармаси 150 миллиард долларга тенг. Банкнинг асосий фаолияти иқтисодиётнинг стратегия тармоқларида йирик инфратузилма

ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. ИТБнинг Бошқарув кенгаши асосий орган бўлиб, бир йил Жидда шаҳрида ва кейинги йил эса аъзо давлатларнинг бири худудида ўтказилади.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтаётган Ислон тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассирни қабул қилди.

Учрашув аввалида ИТБ президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, бардавом тараққиёт, фаровонлик ва раванқ тилади. Пандемия бошланганидан буён илк бор Банкнинг энг муҳим тадбири шу кунларда пойтахтимизда жонли равишда ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Юқори даражадаги ушбу форумда ИТБга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва нуфузли экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда. Онлайн ва оффлайн шаклдаги тадбирларда 4,5 минг нафарга яқин делегат қатнашмоқда. Ўзбекистон етакчиси Муҳаммад Ал-Жассирни ИТБ президенти лавозимига сайлангани билан яна бир бор табриклади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари ИТБ билан шериклигининг изчил кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, Банк Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларнинг янги дастурини қўллаб-қувватлаётгани ва уни илгари суришга муҳим ҳисса қўшаётганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда амалий ҳамкорлик портфели транспорт, уй-жой коммунал инфратузилма, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, тадбиркорлик ва бошқа устувор йўналишларни қамраб олган қиймати 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та лойиҳадан иборат. Учрашувда қўп қиррали шериклиқни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада 2022-2025 йилларга мўл-

жалланган янги ҳамкорлик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ва амалга ошириш ҳамда Тошкент шаҳрида ИТБнинг тўлақонли ваколатхонасини ишга тушириш, молиялаштириш инструментлари самарадорлигини ошириш муҳим экани таъкидланди. Янги ташкил этилаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш жамғармаси фаолияти хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги иш уринларини яратиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар фаровонлигини ошириш учун самарали механизм бўлиб хизмат қилишига умид билдирилди. Ўзбекистон ва ИТБ ўртасидаги стратегик шериклик ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўзаро яқиндан ишлаш ва фаол мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТИМИЗ ЕТАКЧИСИ ВА БАРЧА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида Туркия раҳбари давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини юртимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлади. Дўст Туркия халқи номидан Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилақларини изҳор этди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорлик кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо қўрсаткичлари икки баробар ўсгани ва 240 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз етакчи компанияларининг кооперацияси кўчаиб бормоқда, жумладан, энергетика, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма, туризм ва бошқа соҳаларда муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА БАА ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан телефон орқали мулоқот қилди.

Амирлиқлар Вице-президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва раванқ тилади. Икки томонлама ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, 2019 йил март ойда Бирлашган Араб Амирликларида олий даражадаги ташриф якунлари бўйича эришилган келишувларнинг бажаралиши ҳолати қўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги амалий ҳамкорлиқнинг натижалари мамнуният билан қайд этилди. Masdar компанияси билан биргаликда Ўзбекистондаги биринчи кўёш фотозлектр станцияси муваффақиятли қурилгани ва ишга туширилгани таъкидланди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таълим ва гуманитар алмашинув дастурлари фаол илгари сурилмоқда. Мамлакатимизда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирлар доирасида Тошкент шаҳрида Ҳўкумат акселератори офиси ўз ишини бошлади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА



# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Бошланиш 1-бетда

Банк Бошқарувчилар кенгашининг 2021 йилдаги йиллик анжумани 2-4 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Унда иштирок этиш учун ИТБ гуруҳига кирувчи мамлакатлардан вазирлар ва юқори лавозимли шахслар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, 2 мингдан ортиқ йирик бизнес вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари Ўзбекистонга келган.

Анжуманда COVID-19 пандемиясидан сўнг ИТБга аъзо мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш масалаларини муҳокама қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, саммит доирасида иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, соғлиқни сақлаш, аъзо давлатларда илм-фан, технологиялар ва инновациялар экотизимини қўллаб-қувватлаш, ислом молияси мавзуларида шўба мажлислари, қатор учрашувлар ўтказилади.

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкига 2003 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунга қадар жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик сув тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган.

Президентимиз Ўзбекистон замини асрлар давомида ислом оламининг буюк ва ноёб маданияти, илм-фани ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти марказларидан бири бўлганини таъкидлади.

Бу анъаналарни давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги

йилларда Имом Бухорий номидаги халқаро ҳадисшунослик маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Халқаро ислом академияси ташкил қилинди.

Янги мактаблар, илм-фан масканлари барпо этилди. Сўнгги беш йилда 64 та янги олий таълим даргоҳи очилиб, уларнинг сони 141 га етказилди. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёшларга ахборот технологиялари бўйича чуқур билим берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига тўхталди. Мамлакатимизда инкирозга қарши ишлаб чиқилган чораларни ўз вақтида қўллаб-қувватлагани учун Ислом тараққиёт банкига миннатдорлик билдирди.

Анжуман доирасида Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармасини ташкил этиш бўйича келишув имзолангани қайд этилди. Капитали 500 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган мазкур жамғарма орқали камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар қўллаб-қувватланади.

Шавкат Мирзиёев минтақамиздаги экологик муаммоларни қайд этиб, банк бошқарувчилари эътиборини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шаъфелигида тузилган Траст жамғармаси ҳамда Оролбўйи минтақасида ташкил этилаётган экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратди.

Минтақамизда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, янги транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги ишлар қайд этиб ўтилди.

Маълумки, бугун дунё мамлакатлари иқлим ўзгариши, йирик миграцион жараёнлар, табиий ресурслар ва озиқ-овқат етишмовчилиги каби синовларга дуч келмоқда. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз банк фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор таклифларни билдирди.

“Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача яшил йўлак” номли савдо-иқтисодий маконни шакллантириш ташаббуси илгари сурилди. Унинг амалга оширилиши ўзаро савдо ва сармоявий алоқалар кенгайишга, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиши ва барқарор ўсишига хизмат қилади.

Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси томонидан молиявий инструментларни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Бу эркин савдонинг рағбатлантириш, инвестициявий хатарларни суғурталаш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари ривожланишига инновацион тусл бериш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, Ислом тараққиёт банкининг фан, технология ва инновациялар жамғармаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига илгор ишланмаларни жорий қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта тикланадиган энергия ва экологик технологияларни кенг қўллаш айниқса долзарбдир.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга инвестицион ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

— Бугунги халқаро анжуман банк доирасидаги шериклигимизни сифат жиҳатидан янги басқичга олиб чиқади ва аъзо мамлакатлар

халқларининг умумий фаровонлигига катта ҳисса қўшади, — дея ишонч билдирди Шавкат Мирзиёев.

Тадбирда Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассир ҳам нутқ сўзлади.

— Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2021 йилги анжуманига юқори даражада меъзонлик учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига чуқур миннатдорлик билдираман. Мураккаб пандемия даврида бундай йирик анжуманларни ўтказиш осон эмас. Ҳаҳон соғлиқни сақлаш тизими инқирози шароитида йиллик учрашувимиз замонавий тиббиётнинг отаси бўлиши Ибн Сино Ватанида ўтказилаётгани катта бахт. Ўзбекистон ислом цивилизацияси ва илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган. Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлар жўшқин исломий, илмий ва маданий мерос ўчоғи бўлган. Бу заминдан етишиб чиққан қўллаб алломалар илмда оламшумул кашфиётлар қилган. Шу жиҳатдан, Ислом тараққиёт банки президенти сифатида унинг йиллик йиғилишида илк бор Ўзбекистон замида иштирок этаётганим чуқур мазмунга эга, — деди Муҳаммад Ал-Жассир.

Ислом тараққиёт банки президенти 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиққани ва ҳаётга самарали татбиқ этгани учун мамлакатимиз раҳбариятига таҳсин айтди. Ушбу стратегиядаги улкан мақсадларни қўзлаган кенг қамровли режалар Ислом тараққиёт банкининг инклюзив тараққиётни рағбатлантириш ва ижтимоий ривожланишни қўллаб-қувватлаш мақсадларига мос келиши қайд этилди.

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки гуруҳининг муҳим аъзоси ҳисобланади. Банк молиялаштира-

ётган лойиҳалар мамлакатимиз ва ИТБ ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилганидан далолатдир. Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш, катта, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун 141 миллион АҚШ доллари ажратди. Бу каби ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон, Саудия Арабистони ва ИТБ ҳамкорлигида ташкил этилаётган Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси муҳим ўрин тутди. 34 минг кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш қўллаб-қувватлашга 100 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш ва камбағалликни қисқартиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Анжуманда Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистоннинг ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича келгусидаги стратегияларини қўллаб-қувватлашга аҳди қатъий экани яна бир бор тасдиқланди.

Тадбир сўнггида ИТБнинг 46-йиллик йиғилиши юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди. Шунингдек, иқтисодий трансформация йўналишини ўзгартириш, ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича мажлис, хусусий сектор форуми, Ислом тараққиёт банки Трансформация жамғармасининг келажақ инновациялари намоиши бўлиб ўтди.

Анжуман 4 сентябрда давом этади. Тадбир доирасида Банк Бошқарувчиларининг ялпи мажлиси, COVID-19 пандемиясидан сўнг бизнесни тиклаш ва рақамлаштиришда хусусий секторни ривожлантириш, денгиздан узоқ мамлакатларни глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш заңжирларига улаш учун минтақавий интеграцияни қўллаб-қувватлашга доир мажлислар, қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши мўлжалланган.

ЎЗА

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

# РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ХАЙРЛИ АМАЛАРГА БОЙ БЎЛМОҚДА



**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**  
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси**  
**раисининг биринчи ўринбосари**

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳ таолога шукрки, 2021 йил халқимиз учун баракали кунларга бой ўтмоқда, биргаликда кўп хайрли ишларни бажардик, тарихий воқеалар гувоҳи бўлдик. Шундай мунаввар кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини нишонладик.**

Бу йилги байрам янги бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғида, Мустақиллик монументига туташ майдонда бўлиб ўтганида ҳам катта ҳикмат бор. Зеро, “Янги Ўзбекистон” боғи кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик сазъ-ҳаракатларининг ўзига хос тимсоли сифатида яратилди, Мустақиллик монументи эса Ватанимизнинг 3 минг йиллик тарихидан сўзлаб, аждодларимизнинг шонли йўли, дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва буюк давлатчилигимиз фалсафасидан сўзлайди.

Президентимиз байрам нутқида “**Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва ўзравонлиқлар йўқо-та олмади. Бунга кўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ**”, деди. Дарҳақиқат шундай. Шу маънода, истиқлолдек буюк неъматга эришиш йўли нақадар мураккаб бўлгани, қанчадан-қанча зиёли, мард, ватанпарвар боболаримиз шу кунлар умидида шахид бўлганини эслаш, уларни хотирлаш, дорилмомон дамлар учун дилдан шукрона айтиш, мустақилликнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун жуда муҳимдир.

Бугун дунё ҳамжамиятида ўзига хос мавқега эга бўлишимиз, муборак динимиз, ырф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиши, ибодатларни эмин-эркин адо этишимиз, бой тарихий меро-

симиз, мустақиллик шарофатидан десак, мубо-лага бўлмайди.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда турли миллат ва динлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш, тинч-тотувликни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган сиёсат олиб борилмоқда.

2017 йили бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2018 йили БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди.

Охириги йилларда диний-маърифий соҳа ислохотида доир жами 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Президентимизнинг 2 та фармони, 17 та қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 15 та қарор ва 1 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа фаолиятини ташкил этишда дастуруламал ҳужжат бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилингани ҳам барчамизни хурсанд қилди. Бу қонун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан қафо-латланган, диний соҳада умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинлиқлар, юртимиздаги ҳозирги диний вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва бе-восита Ўзбекистонда динлараро муносабатлар шаклланишининг тарихий шароитларини ўз ичи-га олгани билан янада аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда масжидлар сони 2093 та етди. Хусусан, кейинги 5 йилда 60 га яқин янги масжид очилди, бир-гина жорий йилда 14 та масжид иш бошлади. Айни пайтда барча масжидлар кундан-кунга обод бўлмоқда. Қўллаб масжидлар замонавий шаклда таъмирланиб, халқимизга янада қулайлик яратилди. Бундай хайрли ишлар қизгин давом этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Ислом дини ривож йўли-да беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис бобо-ларимизнинг диний, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқанд-да — Имом Бухорий, Сурхондарёда — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзе-кистондаги ислом цивилизацияси маркази эса халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш ав-лодимизни миллий ва умумбашарий қадрият-

лар руҳида тарбиялашда беқиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади, Аллоҳ хоҳласа.

Шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудуд-ларида Ҳадис, Калом, Ақида, Тасаввуф, Фиҳр илмий мактаблари фаолият олиб бормоқда. Янги ташкил этилган Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Сурхондарёдаги Имом Термизий мадрасаси ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби сингари олий ўқув юртиларида ҳам малака-ли мутахассислар тайёрланмоқда.

Ислохотларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилиши диний тадқиқотларни янги босқич-га олиб чиқди. Академия таркибидagi малака ошириш маркази фаолиятига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида унинг ҳудудий филиаллари фаолияти йўлга қўйилган ҳам диний соҳа ходимларининг замонга мос тарзда малака ва маҳоратини ошириб бориши-да жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз фармони асоси-да “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил эти-лиши мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам замин бўлди. Фонд томонидан ёр-дамга муҳтож оилаларга моддий кўмак бериш, ногиронлиги бор кишиларга меҳр-муруват кўр-сатиш, олис ва чекка ҳудудларда сув чиқариш ҳамда масжид, мадраса, зиёратгоҳларни обод этиш, диний соҳа ходимларини қўллаб-қувват-лаш ва диний таълим муассасалари талаба-лари ўқув-шартнома тўловларини тўлаб бериш бўйича хайрия ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида 305 минг юртдоши-миз Саудия Арабистонига зиёрат учун борган бўлса, шулардан 130 минг киши Ҳаж, 175 минг киши эса Умра амалини бажаришга муваффақ бўлган. 2018 йилдан эътиборан Умра зиёратини йил давомида амалга ошириш белгиланган. Ҳаж зиёратини ташкил қилишда ҳам ўзига хос янгиликлар бўлди. Эътиборлиси, Ҳаж ибодати-ни бажариш квотаси 5000 дан 7200 га кўпайи-ши натижасида 2017-2019 йилларда қариб 21 минг 750 нафар мусулмон биродарларимиз Ҳаж зиёратини амалга оширди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши Саудия Арабистонидagi ҳамкорлар билан ке-лишиб, ҳамюртларимиз Умра зиёратини давом эттиришига ҳаракат қилмоқда.

Қурьонни қаримга муҳлис халқимизнинг та-лаб ва истакларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон мусулмонлари идорасида “Қуръон тажвидини ўргатиш” бўлими ташкил этилди, мавжуд олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида “Қуръони қарим ва тажвид” курслари кўпайилмоқда. Илгор ва хорижий таж-рибаларни ўрганган ҳолда, ушбу дастурлар-ни замонавий андозаларга солиш ва муқо-бил шаклда амалиётга жорий этиш устида иш олиб борилаётган. Зеро, Юртбошимиз

**“Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони қаримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу — муваффақият бўлади. Элимизга нур келади!”**, деган эди.

Диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар ва бой маънавий-моддий меросимиз хо-рижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб, кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Қўшни давлатлар мусулмонлари идоралари ва Миср Араб Республикасидаги ал-Азҳар до-рулфунуни билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Биз диний-маърифий соҳада амал-га оширилган ва жадал давом этаётган айрим хайрли ишларинигина тилга олдик холос. Келгу-сида ҳам бу борадаги улкан ислохотлар, эзгу ишлар изчил давом этишига аминмиз.

Дин тариботчиси, шарият пешвоси бўлган имом-хатиблар ҳам жамиятдаги хайрли ис-лохотларнинг фаол иштирокчисига айлангани қувонарлидир. Бугун шу йўлда масжидларимиз-да 2 мингдан зиёд имом-хатиб, 1300 дан ортиқ имом ноиби хизмат қилмоқда.

Зеро, халқимизнинг диний-маърифий савод-хонлигини ошириш имом-хатибларнинг асосий вазифаси саналади. Улар жума мавъизалари, кундалик намозлар, маҳалла ва турли жамоат ташкилотларида бўладиган тадбирларда илм-сизлик ва ёт гоъларга қарши фаол курашмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг кеңиририликл ва юксак инсонпарварлик сиёсати ҳам таҳсинга лойиқ. Бунинг йўлида юзлаб юртдошимиз, асосан, аёллар ва болалар “Меҳр” операцияси доирасида уруш ўчоқларидан тинчлик ва фиро-вонлик ўлкаси бўлиши Ватанимизга қайтарилган ми-сололида ҳам англаб етиш мумкин.

Шу ўринда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиш жоиздир.

Тарихий тадбирда Президентимиз ҳам ишти-рок этиб, нутқ сўзлади. Жумладан, “**Банкнинг йиллик анжумани Тошкентда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Биз бунинг Ўзе-кистоннинг ислом дунёси ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда сўнгги беш йил давомида олиб борилаётган изчил ис-лохотларнинг эътирофи, деб ҳисоблаймиз**”, деди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон за-минида яшаб ўтган буюк алломаларнинг бой ил-мий мероси нафақат Ислом дини ривож, балки дунёвий билимларни ҳам такомилга етказиб, инсоният учун янги тамаддун йўлини очди.

Шу маънода, ИТБ Бошқарувчилар кенга-шининг 46-йиллик йиғилиши пойтахтимизда бўлиб ўтаётгани кейинги йилларда Ўзбекис-тоннинг ислом дунёсида мавқеи юксала бораётганидан, минтақа давлатлари билан дўстона муносабатларни ўрнатганидан, муқаддас заминимизда том маънода Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётганидан ҳам дарак беради.

**“МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА 305 МИНГ ЮРТДОШИМИЗ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ЗИЁРАТ УЧУН БОРГАН БЎЛСА, ШУЛАРДАН 130 МИНГ КИШИ ҲАЖ, 175 МИНГ КИШИ ЭСА УМРА АМАЛИНИ БАЖАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛГАН. 2018 ЙИЛДАН ЭЪТИБОРАН УМРА ЗИЁРАТИНИ ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНДИ. ҲАЖ ЗИЁРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛИКЛАР БЎЛДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ, ҲАЖ ИБОДАТИНИ БАЖАРИШ КВОТАСИ 5000 ДАН 7200 ГА КЎПАЙИШИ НАТИЖАСИДА 2017-2019 ЙИЛЛАРДА ҚАРИЙБ 21 МИНГ 750 НАФАР МУСУЛМОН БИРОДАРЛАРИМИЗ ҲАЖ ЗИЁРАТИНИ АМАЛГА ОШИРДИ.**

Президентимиз ўз нутқида ИТБ билан ҳам-корлик нуктаи назаридан бир қатор долзарб таклифларни ҳам илгари сурдики, Аллоҳ насиб этиб, улар амалга ошса, халқимиз фаровонли-гига хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонда диний маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан эзгу ислохотларга камарбаста бўлиб, Ислом дини маърифатини кенг тараннум этиш, жаҳолатга қарши маъри-фат билан курашиш, тинчлик ва осийишталик-ни, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодини соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда алоҳида фидо-ийлик кўрсатаётган таниқли улаомлар, ислом-шунос олимлар, тажрибаги имом-хатиблар, моҳир мударрислар, фаол отиноиллар ва ди-ний соҳа ходимлари ўзига хос ҳурмат, эътибор намунаси сифатида “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланган.

Аллоҳ насиб этса ушбу юксак мукофотни қўл-га киритган 300 га яқин диний соҳа ходимлари мамлакатимиз равнақи, динимиз ривож, эли-миз фаровонлиги йўлида янада шижоат ва ғай-рат билан меҳнат қилиб, давлатимизнинг юксак эътирофига муносиб бўлади.

Шундай шукуҳли кунларда эсдан чиқар-майлик, Аллоҳ таоло неъматларига шукр қил-сак, зиёда қилишининг ваъдасини берган: “...агар (берган неъматларимга) шукр қил-сангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилур-ман...” (Иброҳим сураси 7-оят).

Дарҳақиқат, киндик қони тўкилган жой инсон учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган қимматли мақом. Ватанин севиш фақат тил-да қолиб кетмаслиги, балки ватандошлар юрт равнақи учун бирлашши, бир-бирига хайрихоҳ бўлиб, дунё-охиратда фойдала бўлган ишлар-га бирдамликда ҳаракат қилиши лозим. Аллоҳ таоло юрт тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларда барчамизга куч-қувват берсин!



Ўзбекистон халқи муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалик — жорий йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови арафасида турибди. Бу халқимизнинг эртанги куни, фаровонлиги, давлатимизнинг равнақи, дунё ҳамжамиятидаги мавқеи мустақамланиши билан боғлиқ долзарб жараён ҳисобланади.



# ЯНГИ ЮКСАЛИШ ПОҒОНАСИ



**Кўнғиротбой ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодийёт университети ректори, 14-Тошкент шаҳар сайлов округи комиссияси аъзоси**

Давлат ҳокимиятини эркин ва ошкора, муқобиллик асосида ўтадиган сайловлар орқали шакллантириш демократиянинг олиё қўринишидир. Фуқаролар сайлов орқали давлат бошқарувида ўзининг овози, сиёсий иродаси билан бевосита иштирок этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик сайлов қонунчилиги шаклланди. Бу борадаги дастлабки қадам 1991 йилнинг 18 ноябрида қўйилди. Айнан шу куни “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда сайлов жараёнлари мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, жорий йилги бўлажак Президент сайловини миллий қонунчилик ва халқаро демократик тамойиллар асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Нафақат мамлакатимиз, хорижда ҳам ушбу ҳодисага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бойси, илғор демократик тамойиллар мустақам қарор топиб бораётган янги Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда кенг таъминлашга қаратилган буюк ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти улкан қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кузатиб турибди.

2016 йилдан Ўзбекистон ўзининг сифат жиҳатидан янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Юксалиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, жамиятнинг демократлаштириш каби масалалар ислохотларнинг устувор йўналишларига айланди. Миллий сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти янги юксалиш поғонасига кўтарилди.

2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси бунинг яққол далилидир.

**2016 йилдан Ўзбекистон ўзининг сифат жиҳатидан янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Юксалиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, жамиятнинг демократлаштириш каби масалалар ислохотларнинг устувор йўналишларига айланди. Миллий сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти янги юксалиш поғонасига кўтарилди.**

Мазкур кодекс илгари амалда бўлган сайловга оид бешта қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларини ўзида мужассам этган. Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этишга сўнги йилларда эътибор ошди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар сони яна биттага кўпайиб, партиялараро рақобат сезиларли даражада кучайди. Шу йил ўтадиган сайловда конституциявий нормалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти даврийлик принципи асосида сайланиши таъминланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг умумэтироф этилган халқаро демократик сайлов тамойилларига садоқатининг амалдаги яна бир далилидир.

Президент сайлови ҳақида таҳлилчилар сўз юритар экан, унинг аввалги сайловлардан тубдан фарқ қиладиган айрим жиҳатларига эътибор қаратмоқда. Аввало, Президент сайлови юқорида айтганимиздек, илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади. 2019 йилда Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлардаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий кузатувчилар томонидан берилган тавсиялар асосида жорий йил 8 февраль ва 31 майда қабул қилинган қонунлар билан Сайлов кодекси ва бошқа қонунлардаги сайловга оид нормалар янада такомиллаштирилди. Хусусан, хорижда истиқомат қиляётган Ўзбекистон фуқароларининг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатиغا киритилиши ҳамда улар яшаётган ёки ишляётган жойда овоз бериш имкониятининг яратилиши белгиланди.

Шунингдек, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларида кузатувчиларнинг ташриф механизми соддалаштирилди, сайлов комиссиялари аъзоларига иш ҳақи ва компенсация тўланишига оид қоидалар янада мустақамланди, сайлов комиссиялари зиммасидаги номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифа бекор қилинди, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланди, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш шаффофлигини таъминлашнинг янги механизми жорий этилди. Судлар ва сайлов комиссияларига тақрорий шикоятлар тушиши, улар томонидан бир-бирига зид қарорлар чиқарилишининг олдини олиш мақсади-

**Президентлик Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувидаги энг муҳим лавозимдир. Шу маънода сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, балки сайловчилар, яъни халқимиз учун ҳам катта синов, улкан имконият саналади. Сайлов демократиянинг энг муҳим белгиси, фуқаролар хоҳиш-иродаси ифодаланишининг мустақам кафолатидир. Агар таққослаб кўрадиган бўлсак, одамларнинг бугунги дунёқараши билан бундан 5-10 йил олдинги тушунча ва тасаввури орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир фуқаролар сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини яхши идрок этади. 2019 йил парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар фуқароларда сиёсий ирода ва талабчанлик ўсганини яққол кўрсатди.**

да сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятларни энди фақат судда кўриб чиқиш жойи этилди.

Бир сўз билан айтганда, Президент сайлови Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга ошириляётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида акс этмоқда. Бу йилги сайлов мамлакатимиз тараққиётининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиляётганлигининг ёрқин ифодаси бўлади.

## ТЕНГ ШАРОИТ ВА ИМКОНИАТЛАР

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимиз фуқароларининг умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширишлари белгилаб қўйилган. Ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари уларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сиёсий хоҳиш-иродасини эркин билдириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар

бериш тамойилларига асослангани билан аҳамиятлидир.

Сайловга тайёргарлик жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли юксалиб бораётган ҳамда миллий сайлов тизимини модернизация қилиш ишлари жадаллашган шароитда амалга оширилмоқда.

Президентлик Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувидаги энг муҳим лавозимдир. Шу маънода сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, балки сайловчилар, яъни халқимиз учун ҳам катта синов, улкан имконият саналади. Сайлов демократиянинг энг муҳим белгиси, фуқаролар хоҳиш-иродаси ифодаланишининг мустақам кафолатидир. Агар таққослаб кўрадиган бўлсак, одамларнинг бугунги дунёқараши билан бундан 5-10 йил олдинги тушунча ва тасаввури орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир фуқаролар сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини яхши идрок этади. 2019 йил парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар фуқароларда сиёсий ирода ва талабчанлик ўсганини яққол кўрсатди.

Айни пайтда сайлов ташкилотчилари томонидан бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ҳамда сайловнинг миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муҳим сиёсий кампанияда янги Ўзбекистонда сайловчиларнинг, барча фуқароларнинг сиёсий



## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# УЛКАН ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИДА ЁШЛАР ШИЖОАТ КўРСАТМОҚДА



**Фарҳод ЧўЛИЕВ, Навоий кон-металлургия комбинатининг 7-гидрометаллургия заводи директори**

**Кейинги пайтда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга интеграциялаш, инновацион лойиҳаларни кенг татбиқ этиш, техник тежамкор ечимларни, ноёб технологияларни амалиётга жорий қилиш Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятининг таркибий қисмига айланган. Бунинг натижасида нафақат маҳсулот таннархини пасайтиришга, шунингдек, юқори самарадорликка ҳам эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ресурсларни тежаш, маблағларни иқтисод қилиш имконини беряпти.**

Президентимиз раислигида 2020 йил 3 декабрь куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олиё таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳомамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида комбинатимизда ўнлаб йиллар давомида йиғилиб қолган бир неча миллиард тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, қўшимча олтин, қумуш каби қимматбаҳо металллар олиш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида эса 2021 йилда комбинатимизда ишга туширилиши зарур бўлган иккита йирик лойиҳанинг бири ҳисобланган 7-гидрометаллургия заводидаги қувватларни тўла фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича техноген чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари долзарб масалалардан бирига айланган. Биринчидан, улар экологияга катта зарар етказади. Иккинчидан, хомашёнинг камайишига сабабчи бўлса, учинчидан, унинг таркибидаги қимматбаҳо металлларни тўлиқроқ ажратиб олиш масаласи турарди.

Хусусан, уюмдан эритмага ўтказиш цехи ҳудудида 300 миллион тоннадан кўпроқ техноген чиқинди тўпланиб қолган эди. Мутахассисларимиз олимплар билан ҳамкорликда уни қайта ишлашнинг дунё амалиётида муқобили бўлмаган янги технологиясини яратишга муваффақ бўлди. Хусусан, Россиянинг “Иргиредмет” илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда технологик регламент ишлаб чиқилди.

Ушбу технологиянинг ноёблиги шундаки, унда таркибида олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захирага олинган маъданни энг мураккаб жараёнлар орқали, яъни кислотали ишқорда яна қайта ишлаб, маҳсулот олинади. Бу жараёнда фақат маҳаллий кимё маҳсулотлари ишлатилади, бу эса унинг таннархини янада арзонлаштиради.

Шу тарика қиймати 200 миллион долларлик йилгига 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги заводи куриш ишлари бошлаб юборилди. 2020 йилда муддатидан олдин унинг 2 та , Мустақилликнинг 30 йиллиги байрами арафасида эса яна 2 та технологик блокни ишга туширдик.

Илгари ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, мураккаб ускуналарни кўя турайлик, ҳат-

то оддий гайка ёки болтни ҳам чет элдан олиб келишга тўғри келган. Сўнги йилларда тинимсиз изланишлар туфайли бунга барҳам берилди. Эндликда илгари хориждан валютага келтирилган кўплаб дастгоҳлар, бутловчи материаллар билан бир қаторда ўта мураккаб ва қимматбаҳо тегирмонларга ҳам комбинат бўлимларида тайёрланмоқда.

Мисол учун, завод қурилишида қўлланилган асосий технологик ускуналар Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилиши эвазига 56 миллион долларга яқин валюта маблағи тежалди. Бу ҳам комбинат мутахассисларининг ақл-заковати, профессионал малакаси, захматли меҳнати уйғунлигида вуҷудга келган янги салоҳиятнинг маҳсули ҳисобланади.

Яна бир жиҳат, авваллари бирор-бир ишлаб чиқариш қуввати ишга тушириладиган бўлса, уни юритадиган мутахассислар масаласи кўндаланг турарди. Кўпинча бу мутахассислар чет элдан таклиф этилган. Сўнги йилларда бу ҳолга тамоман чек қўйилди. Айни пайтда заводимизда меҳнат қиляётган муҳандис-ҳодимларнинг аксарияти Навоий қончилик институтини тугатган маҳаллий кадрлар ҳисобланади. Айтиш жоиз, корхонамизда айни кунда бундай ёшлар сони мингдан ортиқни ташкил этади.

**Менинг ўзим ҳам Москва пўлат ва қотишмалар миллий тадқиқот технология университетини тугатгач, ушбу комбинатда ишлаш давомида устозларимдан энг мураккаб технологиялар сир-синоатини ўргандим, бошқариш малакаси бўйича таҳсил олдим. Ҳозирги кунда 35 ёшимда ушбу 7-гидрометаллургия заводида раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифани бажариб келяпман. Бу, аввало, Истиклол инюати, сўнги йилларда маҳаллий ёш кадрларга эътибор, уларни тайёрлашга кўрсатиляётган ғамхўрлик, яратилёган шарт-шароитларнинг амалий ифодаси, деб биламан.**

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида олис Томди туманида жойлашган корхонамиз фаолияти билан танишиб, биз билан дилдан суҳбатлашди.

— Сўнги 4 йилда мамлакатимизда ерости бойлиқларини ўзлаштириш ишлари 30 фоизга ошди. Саноатимизга янги, илғор технологиялар кириб келди. Энг муҳими, бу замонавий корхоналарда ишлаб оладиган билимли мутахассислар етишиб чиқяпти. Давлатимиз учун ерости бойлиқларидан ҳам қадрли бойлик, бу — сизларсиз, — деганида шу юрт фарзанди бўлганимдан, қончилик қасбини эгаллаганимдан ва энг асосийси, Президентимизнинг оталарча ғамхўрлигидан, биз — ёшларни шунчалик қадрляётганидан беҳад мамнун бўлиб кетдим. Айтинг, бундай давлат раҳбари қаерда бор? Фақат Ўзбекистонда.

Кон-металлургия соҳаси мамлакатимизнинг драйверига айлангани ҳам бизни қувонтиради ва айни пайтда янада катта масъулият юклайди. Юртимиз мустақилликка эришгунга қадар Навоий кон-металлургия комбинатида рангли металллар ишлаб чиқарувчи 2 та корхона мавжуд бўлса, ундан кейинги йилларда 4 та гидрометаллургия заводи қурилди. Натижада рудани қайта ишлаш ҳажми 3 марта, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 марта ошди.

Истиқбол режалари янада улкан. Комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 3,4 миллиард долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Кейинги тўрт йил давомида ушбу лойиҳаларнинг 16 таси ишга туширилиб, 2,3 миллиард доллардан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Бу, ўз навбатида, 11 минг 800 га яқин иш ўрни яратиш имконини берди. Айни пайтда қолган 11 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш ва иш ўринлари сонини 4 300 га яқинлаштириш мақсадида ишлар қизгин давом этапти.







# ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

### Ислохотларнинг рақамлардаги акси

2017 йил билан қиёслаганда, **2020 йилда** вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **10,4 фоизга** ўсди. Жорий йил биринчи ярмида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотини ҳажми **19 триллион 320 миллиард** (аҳоли жон бошига **4 миллион 875 минг**) сумми ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **4,9 фоиз ўсишга эришилди**.

Кичик бизнес субъектлари кейинги тўрт йилда икки баробар кўпайиб, **35 мингга** етди. Бугунги кунда вилоятда **50-100 кишилик 74 та** тикувчилик корхонаси ишлаб турибди. Ана шу йил билан **9 минг** хотин-қиз муқим иш жойига эга бўлди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича

**15,7 минг** киши иш ўрнига эга бўлди. Ваҳоланки, 2017 йил давомида ана шунча иш ўрни яратилган эди.

**2020 йилда** жами экспорт ҳажми **335,3 миллион** АҚШ долларини, шундан саноат маҳсулотлари **219,7 миллион** долларни ва мева-сабзавот **115,6 миллион** долларни ташкил этди. Жорий йилнинг **6 ойида эса 188,5 миллион** долларлик экспорт амалга оширилди. Жумладан, **144,6 миллион** долларлик саноат ва **43,9 миллион** долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари **385 корхона томонидан 46 давлатга экспорт қилинди**.

Вилоятда айти пайтда **17806 километр** ички йўл бор. **2016 йилга қадар** ҳар йили

**280-300 километр** йўл қурилган ёки таъмирланган. **2021 йилнинг ўзига 1040 километр** йўл қурилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича эса **385 километр** йўл тартибга келтирилади. Сўнгги икки йилнинг ўзига **25 дан ортиқ кўприк барпо этилди**.

Бугунги кунда вилоятда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган жойлаштириш воситалари **412 тага** етди. Бу объектлар бир вақтнинг ўзига **11 минг 500 дан** ортиқ меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга. 2021 йилнинг биринчи ярмида **84 та** туристик лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, **12 та** меҳмонхона фойдаланишга топширилди, **45 та** оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди.



## Ерда ҳам, кўкда ҳам янгиланиш

Пандемия бўлса-да, Самарқандга сайёҳлар кўп келяпти. Бу гапни Самарқанд вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Нарзикуловнинг ўзидан эшитдик.

Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесилисидagi туннель темир-бетон блоклар ўрнатилмиш, — дейди “Кўприкқурилиштрести” АЖ муҳандиси Азиз Бекмирзаев. — Кўприк остида 4 тасмали автомобиль, 2 тасмали трамвай йўллари қурилади. Ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ, оқова тармоқлари ҳамда коммуналция тизимлари ўтказиб бўлинди. Пиёдалар учун ерости йўлаклари қуриляпти. Икки ой ичида кўприкдан транспорт қатнови йўлга қўйилади. 300 дан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур объект 2021 йил якунига қадар ишга туширилади.

— Туннель устига темир-бетон блоклар ўрнатилмиш, — дейди “Кўприкқурилиштрести” АЖ муҳандиси Азиз Бекмирзаев. — Кўприк остида 4 тасмали автомобиль, 2 тасмали трамвай йўллари қурилади. Ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ, оқова тармоқлари ҳамда коммуналция тизимлари ўтказиб бўлинди. Пиёдалар учун ерости йўлаклари қуриляпти. Икки ой ичида кўприкдан транспорт қатнови йўлга қўйилади. 300 дан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур объект 2021 йил якунига қадар ишга туширилади.

Беш километрдан зиёд бўлган Ибн Сино кўчаси бўйлаб ичимлик сув ва оқова тармоқлари тортиш ишлари якунланди. Йўлнинг икки томонида пиёдалар йўлагига ва велойўлаклар қурилиб, кўкаламзорлаштирилди. Афросиёб кўчасидан Ойдин ҳаёт кўчасигача бўлган қисмда эса бунёдкорлик ишлари давом этяпти. Йўл четтида кичик хиббон бунёд этилади ва унинг ландшафт дизайни бутунлай замонавий тўз олади.

Концепцияга кўра, Самарқанд шаҳри ва “Янгйобод” маҳалласини боғловчи Қорадарё устидан кўприк қурилади. Бугунги кунда 1788 та уй жойлашган 210 гектарлик ҳудудда 9,16 ва 25 қаватгача бўлган кўп қаватли уйлар барпо этилади ва 90 минг аҳолига мўлжалланган Ширин шаҳарчаси вужудга келади.

— Самарқанд темир йўл вокзалининг орқа томонидagi 15 минг аҳоли истиқомат қилувчи 6 та маҳалла жойлашган 270 гектар майдонда ҳам 90 минг киши яшовчи янги шаҳарча қурилади, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Олимов. — Айни пайтда шаҳарча қурилиши мўлжалланган ҳудудда яшовчи аҳоли билан суҳбатлашиб, ултра оғохлантуриш хатлар бериб бораёмиш. Эски, паствак уйлар бўзилаётганда бирорта хонадон эгаси норози қилинмайдми. Мазкур шаҳарча беш йил ичида қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Мухтасар айтганда, қадим тамадун, боқий бунёдкор замин бўлган Самарқанд ҳар томонлама янгилашиб, ўзининг номига мос маҳобат ва улугворлик касб этиб борапти.

— Пандемия сабабли ўтган йили Самарқандга келган сайёҳлар сони 633 мингга тенг бўлган. Шу йилнинг биринчи ярмида улар сони қариб икки баробарга ошди, — деди у. — Меҳмонхоналарнинг ўзи ҳозирда 171 тани, оилавий меҳмон уйлари эса 217 тани ташкил этади. 136 та туристик синфга мансуб автобус, 126 та микроавтобус ва 20 та электро-мобиль, 181 та туроператор ҳамда 336 гид-таржимон томонидан маҳаллий ва хорижий фуқароларга сайёҳлик хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Пандемия шароитида туризм соҳасида фаолият қуритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 39 та меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига ҳодимларни саклаб туриш, уларнинг ойлик иш ҳақларини тўлаш учун 2,1 миллиард сўм миқдорда фозисиз мақсадли сўдалар ажратилди.

Тез орада сайёҳларни Мирзо Улуғбекнинг 1444 йилда ёзилган “Зижи Кўрагоний” асарига мўқояса сифатида очик қитоб қурилишида бунёд этилган аэропорт қарши олади. Ўз даврида қитоб 1018 та юлдузнинг жойлашуви ҳақида маълумот беришчи дунё фалакиётшунослигининг энг мукаммал асари ҳисобланган. Аэропорт терминналигини тўқ қисмида юлдузлар туркуми тасвири туширилган омон қурилиши акс эттирилган, айниқса, тунда бу қурилиш жуда улугвор манзара касб этади.

Мазкур авиақўналга реконструкцияс халқаро терминални модернизация қилиш, янгисини қуриш, учиш-қўниш йўлакчасини бунёд этиш ҳамда радиолокация тизимларини янгилашни ўз ичига олган. Самолётлар учун 24 та қўниш ва 700 уринли енгил автомобиллар тўхташ жойи қурилиши назарда тутилган. Эндигилда аэропортнинг ўтказувчанлик қобилиятини соатига 350 тадан 1000 тагача ошириш ҳисобига йўловчилар оқимини йилга 460 мингдан 2 миллионгача етказиш имконияти яратилади.

## Интенсив кўчатлар экспорт қилинади

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини инновацияни ривожлантириш — давр талаби. Шу мақсадда юртимизда замонавий лабораторияларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Жомбой тумани ҳудудида жойлашган “Sag Agro” масъуляти чекланган жамиятининг лабораторияси ана шундай мажмуалардан бири сифатида иш олиб бормоқда.

Президентимиз шу йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида мазкур In vitro лабораторияси фаолияти билан яқиндан танишди.

Ушбу қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган умумий лойиҳа 2019 йил ишга туширилган. Натжида илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу усул икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, четдан келтириляётган кўчатлардаги турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олди олинади. Иккинчиси, маҳаллий лабораторияда етиштирилган кўчатлар хорижчиликка нисбатан бир неча баробар арзон. Масалан, шу пайтгача чет элдан

олиб келинган ёнғоқ кўчатларнинг бир түпи 5 доллардан 20 долларгача турса, бу ерда етиштириляётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Атрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, унда тупроқ, сув ва бар намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самараларлиги шундаки, богдорчилик ҳўжаликларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос кўчатлар тавсия қилинади. Натжидада нйҳоллар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

— Лаборатория учун 24 гектар ер ажратилган, — дейди In vitro лабораторияси раҳбари Илёс Ҳайдаров. — Шундан 2 гектарида замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар ерда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парварши қилинади. Энг муҳими, богдорчилик билан шуғулланиш ниятида келган харидорларнинг самарали фаолият қуртиши учун уларнинг тупроқ шароитини ўрганиб, ерга мос кўчатларни тавсия қиламиз. Бунинг учун тупроқ ташхислаш лабораториямиз ҳам ташкил қилинган.

Мажмуанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион тупгача пайвандтаг ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шайтоғли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбор меваларнинг касалликларга чидамли, иклим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда.

Жорий йил 2 миллион туп турли мевали ва манзарали кўчат етиштириш режалаштирилган. Йил якунига қадар 500 минг туп ёнғоқ ва бодом кўчатларининг истиқболли мева пайвандтагларни қилинади.

Лаборатория 2024 йилда тўлиқ қувват билан ишлаш ҳисобига бу ерда йилга 20 миллион туп кўчат етиштириш йўлга қўйилади. 2023 йилдан кўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу лаборатория ва иссиқхонада 140 та янги иш ўрни яратилган.



Акрам ҲАЙДАРОВ, журналист

Қўшахифа материалларини “Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ тайёрлади.

## Муҳаддислар султонига юксак эҳтиром

Юртимиздан дунё илм-фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиққан. Манбаларга таянадиган бўлсак, биргина ҳадис илми бўйича уч мингдан зиёд олимнинг номини санаш мумкин. Бу илм ривожига, аввало, Имом Бухорий ҳазратларининг хизмати бекиёс. Шу боис, аллома ҳаёти ва илмий-маънавий меросини кенг тадқиқ этиш юзасидан нафақат юртимиз, балки бутун муसулмон оламида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан икки йил муқаддам ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бугунги кунда нафақат муҳаддислар султони, балки Мовароуннахр ҳудудидан етишиб чиққан кўплаб бошқа аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини тўллаш ва тадқиқ этиш билан шуғулланмоқда. Дунё ҳамжамиятига етказишда эса ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Самарқандда яқинда ўтказилган “Саҳих ул-Бухорий” асарининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қадимий ва ноқир кўлзма нусхалари” мавзусидаги халқаро конференция бу йўналишдаги хайрли сазй-ҳаракатлардан бири бўлди. Қайд этиш жоиз, бугунги кунда 32 мамлакатдаги 70 дан зиёд фонdda “Саҳих ул-Бухорий”нинг 820 та кўлзмаси сақланаётгани аниқланган. Уларнинг нусхаларини жалпаш, тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш марказимиз ва бошқа шундай муассасалар зиммасидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Конференцияда 10 дан зиёд халқаро ташкилот ва хорижий давлатнинг 40 га яқин таниқли илоҳиётчи олими ва мамлакатимизнинг етакчи исломшунох мутахассислари қатнашгани унга бўлган катта қизиқини намоён этди. Бундан ташқари, конференция ишини экспертлар, мустақил тадқиқотчи ва

тингловчилар жами 108 нуктадан кузатиб борди.

Конференция якунида қабул қилинган баёнотга кўра, Имом Бухорий илмий меросини чуқур ўрганиш, мазмун-моҳиятини дунё ҳамжамиятига етказишга доир тадбирларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширишга катта аҳамият қаратилади.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда вилоятимизга ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб, “Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги мақомига мўносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмнинг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келсаям, қўлай шароит бўлиши зарур” деган эди.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президентимиз ҳўзурда бир неча бор тақдимот қилиниб, тақомиллаштирилди. Жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15-16 апрелда, муборак Рамазон кунларида вилоятимизга ташрифи чоғида ушбу зиёратгоҳини қурилиши бошланди. Шу муносабат билан табаррук қадамҳода нурунийлар ва зиёлилар билан ўтказилган учрашувда Президентимиз халқимизни қўтлуғ айём билан муборакбод этаркан, “Рамазон — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилишни шу ойда бошлаётганимиз хайрли, хосиятли бўлади. Бу

соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад эътиқоди-мизни, аллома боболаримизга ҳўрматимизни илм билан, эзгу амаллар билан билдиришдир. Аждодларимизга мўносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч”, деди.

Мажмуада катта масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хиббон бўлади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қўлайликлар яратиш учун ҳудудда 7 та меҳмонхона, 3 та автотурагоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, ҳўнармандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, тахоратхона қурилади.

Яна бир эътиборли томони, мажмуада қурилиш-бунёдкорлик ишлари жараёнида бу ердаги тарихий бўлоқ ва бир неча юз йиллик чинор дарахтларига зиён етказилмайдми. Уларни асраб-авайлаш, ўз ҳолида сақлаш учун зарур чоралар қурилди.

Айни пайтда қадамжю ва унинг атрофи улкан қурилиш майдонига айланган. Барча объектлар қурилиши белгиланган режа-жадал асосида олиб борилмақда. Тез орада бу ишлар бўй кўрсатиб, мажмуа Имом Бухорий бобомизнинг улкан салоҳиятига мос улугворлик ва салобат касб этиб, энг обод, кўркем зиёратгоҳлардан бири бўлади.

Қад ростлайдиган янги мажмуа бу ердаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби билан мутаносибликда ўзаро уйғунлашган улкан ансамблни ҳосил қилади.

**Шовосил ЗИЁДОВ,**  
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**  
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот**  
**маркази директори**

диганлари шу пайтгача хорижга бориб бўлса-да, жароҳлик амалиётини ўтказган ёки бугун оддий бўлиб қолган томтирмага стент қўйдириб келган.

— Диспансерда янги бўлимлар очилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, барча қўлайликларга эга стационар даволаш маркази ташкил этилган, ўзимизда имкониятлар пайдо бўлди, — дейди муассаса директори ўринбосари, Санкт-Петербургдаги И.Жанелидзе номидаги шошилинич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институтида ишлаб келган кардиолог Рустам Қўшнароров. — Ҳозир бундай юқори технология мураккаб юрак жарроҳлик амалиётлари тўлиқ ўзимизда бажарилмоқда. Юракка стент қўйиш, юрак ритмининг мураккаб бузилишини жарроҳлик йўли билан тиклаш ҳамда очик юракда жарроҳлик амалиётлари ўтказишга йўлга қўйилди. Шу пайтгача 400 та мураккаб операцияни бажардик ва барчаси муваффақиятли ўтди. Бу беморлар фақат Самарқанддан эмас, қўшни вилоятлардан ҳам келяпти. Шишфохонамиз минтақавий марказдек бўлиб қолди. Ҳатто яқин қўшни давлатлардан ҳам беморлар мурожаат қилмоқда. Утган йил декабрь ойи ва жорий йил бошидан буён 34 нафар чет эллик беморни операция қилдик.

Маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида бир йилда тахминан уч минг киши миокард-инфарктига чалинар экан. Самарқанд шаҳрининг ўзида йилга 700 нафар шундай бемор қайд этилади.

— Энди инфаркт бўлган кишиларни жарроҳлик усули билан даволаб, 96 фоизини соғайтириш имкониятимиз бор, — дейди Мақсуд Саидов. — Бемор шишфохонагача келса бас, уни соғайтира оламиз. Хорижга боришга, вақт ва катта маблағ сарфлашга ҳожат йўқ. Инфаркт туфайли ўлим ёки ногиронлик ҳолатлари кескин камаяди. Беморда асорати қолмайди. Утган йили яна тўрт нафар ёш мутахассисимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет элда малака ошириб келди. Очик операцияларни ҳам, томир орқали бажариладиган ёпиқ операцияларни ҳам замонавий технологиялар асосида амалга оширамиз. Чет элдан келган мутахассисларнинг барчасини уй-жой билан таъминляпмиз. Ойлик маоши ҳам хорижда оладиган даражага етиб қолди.

Муассасада яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг учта кафедраси учун жой ажратилди. Энди бўлажак шишфокорлар шу ерда малакали мутахассислардан назарий билимлар билан бирга амалиётни ҳам ўрганади. Заруратга қараб, улар ҳам хорижда малака оширишга юборилади.



жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказдик. Ҳокимлик уй-жой ва бошқа шароитларни яратиб бериш билан таъминланиб, барча қўлайликларга эга стационар даволаш маркази ташкил этилган. — Диспансерда янги бўлимлар очилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, барча қўлайликларга эга стационар даволаш маркази ташкил этилган, ўзимизда имкониятлар пайдо бўлди, — дейди муассаса директори ўринбосари, Санкт-Петербургдаги И.Жанелидзе номидаги шошилинич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институтида ишлаб келган кардиолог Рустам Қўшнароров. — Ҳозир бундай юқори технология мураккаб юрак жарроҳлик амалиётлари тўлиқ ўзимизда бажарилмоқда. Юракка стент қўйиш, юрак ритмининг мураккаб бузилишини жарроҳлик йўли билан тиклаш ҳамда очик юракда жарроҳлик амалиётлари ўтказишга йўлга қўйилди. Шу пайтгача 400 та мураккаб операцияни бажардик ва барчаси муваффақиятли ўтди. Бу беморлар фақат Самарқанддан эмас, қўшни вилоятлардан ҳам келяпти. Шишфохонамиз минтақавий марказдек бўлиб қолди. Ҳатто яқин қўшни давлатлардан ҳам беморлар мурожаат қилмоқда. Утган йил декабрь ойи ва жорий йил бошидан буён 34 нафар чет эллик беморни операция қилдик.

Маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида бир йилда тахминан уч минг киши миокард-инфарктига чалинар экан. Самарқанд шаҳрининг ўзида йилга 700 нафар шундай бемор қайд этилади.

— Энди инфаркт бўлган кишиларни жарроҳлик усули билан даволаб, 96 фоизини соғайтириш имкониятимиз бор, — дейди Мақсуд Саидов. — Бемор шишфохонагача келса бас, уни соғайтира оламиз. Хорижга боришга, вақт ва катта маблағ сарфлашга ҳожат йўқ. Инфаркт туфайли ўлим ёки ногиронлик ҳолатлари кескин камаяди. Беморда асорати қолмайди. Утган йили яна тўрт нафар ёш мутахассисимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет элда малака ошириб келди. Очик операцияларни ҳам, томир орқали бажариладиган ёпиқ операцияларни ҳам замонавий технологиялар асосида амалга оширамиз. Чет элдан келган мутахассисларнинг барчасини уй-жой билан таъминляпмиз. Ойлик маоши ҳам хорижда оладиган даражага етиб қолди.

Муассасада яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг учта кафедраси учун жой ажратилди. Энди бўлажак шишфокорлар шу ерда малакали мутахассислардан назарий билимлар билан бирга амалиётни ҳам ўрганади. Заруратга қараб, улар ҳам хорижда малака оширишга юборилади.





Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди. Миллий истиқлолимиз учун кураш олиб борган, лекин реабилитация қилинмай қолган 115 нафар бобомизнинг пок номлари оқланди. Хали бундайлар қанча? Ватанпарвар инсонларнинг шаънини тиклашга қаратилган эзгу ишларни давом эттириш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# ИНСОН ХОТИРАСИГА НИСБАТАН АДОЛАТ ВА ҲАКИҚАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ



Икром МУСЛИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси ўринбосари

Шу йил 25 август куни Олий судда мустабид шўро тузуми даврида қатагон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган бир гуруҳ шахсларга оид жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича очик суд мажлислари бўлиб ўтди. Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасига асосан, жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ва амалиётга изчил татбиқ этилаётган “Янги Ўзбекистон” ғояси негизда, аввало, инсон омили муҳассамлигидан ёрқин далолат.

Бу инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва дахлсизлигини муқаддас билиш зарурлигининг амалий ифодаси.

Бу инсон шаъни, қадр-қиммати ва хотирасини ҳар қандай таъжовуслардан кўз қорачиқдек асраш шарт, дегани.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кейинги 5 йил давомида бола меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Дин ва виждон эркинлигига хилоф равишда таъқибга олинган минглаб фуқаролар “қора рўйхат”дан чиқарилди. Билиб-билмай янглиш йўлга кириб қолгани учун жазо чоралари таъинланган маҳкумларга нисбатан афв институти кенг татбиқ этилди. Қамоқхоналарни камайтириш чора-тадбирлари доирасида Жаслиқ қўргонидagi муҳоши ном қозонган қамоқхона ёпилди. “Меҳр” операцияси доирасидаги амалиётлар туфайли қанчадан-қанча аёллар ва болалар оповли ҳудудлардан Ватанимизга қайтарилди. Узоқ йиллардан буён мамлакатимизда яшас-да, фуқаролиги бўлмаган кўплаб ҳамюртларимиз Ўзбекистон фуқароси бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг иштироки билан боғлиқ тарихий далил ва рақамлар қайта ўрганилганда, урушда қатнашган, жасорат кўрсатган, жанг-ғоҳларда ҳалок бўлган, яраланган, асир олинган ва бедарак кетган юрдошларимиз сони илгари биз билганимиздан кўра анча кўп экани аниқланди. Халқимизнинг жасорати ва матонати шарафига пойтахтимизда “Ғалаба боғи” бунёд этилди.

Мана, энди бу борада яна бир муҳим натижага эришилди: собиқ шўро тузумида миллий ўзлигини англагани ва англашга интилгани учун қатағонга дучор этилган 115 нафар ҳамюртларимиз вафотидан сўнг, орадан қарийб 90-100 йил ўтиб оқланди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва ҳопис судлов ҳайъати уларнинг барчасини айб-сиз, деб топди.

## Янги Ўзбекистон ғояси ва аждодларимиз орзу-армонлари

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобларида янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек стратегик мақсад ва буюк вазифалар, уларнинг ижроси доирасида амалга оширилган улғувор ишлар сарҳисоб қилинган. Энг муҳими, интервьюда янги Ўзбекистон меъмори томонидан айнан “Янги Ўзбекистон” ғоясининг маъно-маъмуни ва аҳамияти чуқур очиб берилган.

Президентимиз, авваламбор, “янги” деган сўзнинг халқимиз учун алоҳида аҳамияти борлигига эътибор

## халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган эзгу амаллардандир

қаратди. Масалан, XX асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгила-ниш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликини англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққан.

Аслида бу улуг зотларнинг мақсади — жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига, яъни янги тараққиёт манзилига олиб чиқишдан иборат бўлган.

Жадид боболаримиз ташкил этган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета-журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқи-мизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиб, миллий озоқлик ҳаракати учун беҳис куч берган.

Аммо юртимизда большевиклар диктатураси ўрна-тилган, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда да-вом эттирилди. Бу эса, маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имкони-ни бермади.

Шуқри, ўша аждодларнинг эзгу орзу-ниятлари халқи-мизнинг тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамокда. Бугунги кунда халқимиз қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуг аждодла-римиз орзу-интилишлари ва армонлари ҳам ўз муҳас-самини топган.

Шу маънода, Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озоқлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хоти-расини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва мероси-ни ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.



## Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига 20 йил тўлди

Мустақилликнинг ўтган даврида ушбу йўналишда бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юр-тимизда 2001 йилдан буён ҳар йили 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Пойтахтимизда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик маж-муаси, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, шунингдек, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилган.

Кейинги йилларда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида қатагон қурбонлари номлари қайд эти-ладиган рамзий китоб яратилди. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ОТМлар қошидаги бўлимлари, шунингдек, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, фонд-нинг ҳимийлар гуруҳи таркиби янгиланди.

Юртимизда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авло-ний, Исроқхон Иброт, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуг маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳай-каллар, музейлар бунёд этилди. Уларнинг номи билан боғлиқ ижод мактаблари фаолияти қўлга қўйилган.

Қолаверса, сиёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юрдошларимизнинг номини аниқлаш, улар қол-дирган меросини илғийиш ва кенг жамоатчиликка етқа-зишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадийи ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, бугун дунёда глобал ҳавф-хатар-лар кучайиб бораётган ҳозирги даврда миллий ўзликини англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам бор гап. Шу маънода, бугунги кунда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қа-тагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият-санъат, адабиёт намояндалари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юрдошларимиз номи ва хоти-расини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки айни мавзудаги тарихий маъ-лумотларни ҳопис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ҳамда машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқур англашга хизмат

қилади. Шу билан бирга, бугунги эркин, озоқ ва обод ҳа-ётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш зарурлигидан сабоқ беради.

Буллар, ўз наъбатида, халқимизнинг фидойи фарзанд-лари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолият-и билан боғлиқ ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишлар-нинг қўламини ва самарасини оширишни тақозо этади.

## Қатагон қурбонлари номларини тиклаш йўлида янги қадам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган “Қатагон қурбонларининг ме-росини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадий-лаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Фармойишга мувофиқ, қатагон қурбонларининг ме-росини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадий-лаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлашти-риш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Ишчи гуруҳга қатагон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бош-қа ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқо-ри малакали мутахассислари, экспертлар, шунингдек, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари-миз вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Президентимиз фармойишига кўра, қатагон қурбон-ларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадий-лаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси”да 5 йўналишда 32 та аниқ вазифа белгилан-ган. Давлат ҳокимияти идоралари ва фуқаролик жамия-яти институтлари ана шундай тизимли ишларни изчил амалга ошираётган бир пайтда Олий суд томонидан ҳам қатагон қурбонлари номини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича бир қатор муҳим натижаларга эришилгани эътирофга сазовор.

## Олий суднинг ибратли ишлари

Авваламбор, қатагон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар қўламини кенгайтириш учун масъулларга Олий суд архивидаги мавжуд ҳужжат-лардан фойдаланиш учун шароит яратилди. Қолаверса, бу борадаги тегишли ҳужжатларни ўрганиш зарурати туғилган тақдирда мутахассислар ишлаши учун Олий суд идоравий архивида алоҳида хона ташкил этилди.

Энг муҳими, “Йўл харитаси”да Республика ишчи гу-руҳи, Олий суд ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар-га тегишли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қolib кетган қатагон қурбонлари номла-рини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифа ижроси доирасида ўтган қисқа даврда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан:

**Биринчидан**, қатагон қурбонлари реабилитация-син бўйича масала ўрганилиб, бу борадаги тақлифлар Республика ишчи гуруҳига кўриб чиқиш учун юборилди.

**Иккинчидан**, Олий суд ва қўйи судлар томонидан ҳу-дудлардаги барча архивларда қатагон қурбонларига оид ишлар инвентаризация қилиниб, оқланган 1 минг 888 шахснинг рўйхати вилоятлар кесимида шахслантирилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақдим этилди.

**Учинчидан**, Олий суд раисининг шу йил 9 февралда-ги фармойишига биноан, муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қolib кетган қатагон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадий-лаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

**Тўртинчидан**, мустабид шўро тузуми даврида қатагон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқлан-маган шахсларнинг рўйхати Қатагон қурбонлари хоти-раси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи томонидан тақдим қилинган бўлиб, мазкур шахслардан 7 нафарига нисбатан жиноят ишлари Давлат хавфсизлик хизматининг архивида сақланётгани аниқланди ҳамда жиноят ишлари қайтарилиб олинди.

**Бешинчидан**, Олий судга 120 нафар шахсга нисба-тан 6 та жиноят иши келиб тушган ва Олий судда ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан 18 жилддан иборат ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилмоқда.

Мазкур жиноят ишлари ҳужжатларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари, яъни ҳужм ёки бош-қа қарор мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина БДСБ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) — собиқ СССР давлат хавфсизлиги махсус органи) уқлик мажлиси баённомасидан кўчирма мавжудлиги аниқланган.

Бундан қўнғариқ, Олий суд томонидан вилоят судла-ри ва уларга тенглаштирилган судларда ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, суд идоравий архивида мавжуд бўлган ҳужжатлардаги сиёсий қатагонлар (пахта иши) даврида судланиб, оқланмаган шахсларга оид жиноят ишлари ўр-ганиб чиқилган. Иш бўйича айби етарли далиллар билан тасдиқланмаган ҳамда оқланиши лозим бўлган шахслар рўйхати Олий судга тақдим қилинган.

Бугунги кунга қадар вилоят судлари ва уларга тенг-лаштирилган судлардаги ишчи гуруҳлар томонидан жи-



ноят ишлари ўрганилиб, Олий судга мавжуд иш ҳужжат-ларида айби тўлиқ тасдиқланмаган ҳамда реабилитация этилиши лозим бўлган 151 шахсга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳулосалар тақдим этилган.

## Оқланган марҳумлар: улар ким бўлган?

Албатта, узоқ йиллар архивлар тубида чанг босиб ё-ган ва бугун биз кетма-кет рақамлар орқали ифодалаёт-ган иш ҳужжатларининг саргайган саҳифаларида қисма-ти битилган юрдошларимиз ўзи ким бўлган ва уларнинг айб-ғуноҳлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Шунинг учун мустабид шўро тузуми даврида қатагон қурбони бўлган ва шу вақтгача оқланмаган, Президен-тимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарварлик сиёсати туфайли бу борадаги адолат ва ҳақиқат тикланган юрт-дошларимиздан айримларининг аччиқ қисмати ҳақида мисоллар келтирамиз.

**Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев — Туркистон тараққийпарвар улаомларининг сардори, Туркистон Мухторияти ҳукуматида маориф номили.**

Носирхон Тўра XX аср бошларида Россияда бўлиб ўтган февраль ва октябрь инқилоблари даврида Наман-ган шаҳар думасида фаолият юритган. Наманган диний бошқармаси раиси бўлиб ишлаган. БДСБнинг қарорига кўра, 1925 йилдан 1928 йилга қадар қамоқда сақланган. 1930 йил 16 июлда 56 ёшида яна қамоққа олинган.

Иш ҳужжатларида ёзилишича, Носирхон Тўра 1929 йил ўрталарида фаолият юритган “босмачилик” гуруҳла-рини ривожлантириш мақсадида фаол аксиклиқлибый ҳаракатларни амалга оширган. Хусусан, у 1929 йил-нинг сентябрь-октябрь ойларида Фарғона вилоятидаги “босмачилик” гуруҳлари ҳаракатларига раҳбарлик қилиб, Косон шахридаги совет жамоат ташкилотларига нисба-тан таҳдид ўтказган ва бунинг натижасида ушбу жамоат ташкилотлари янчиб ташланган.

Қадриги ўқувчи, бу ва кейинги ўринларда “босмачилик” сўзини нима сабабдан кўпчилик оқида ёзишимизни мухтасар изоҳлаймиш. Гап шундаки, босмачилик — Тур-кистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши курашган қуролли ҳаракатга шўро ҳукумати дав-рида берилган расмий ном.

Бинобарин, “босмачи” ва “босмачилик” иборалари 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал вақтли матбу-от, сўнгра расмий ҳужжатларда кенг ишлатилган. Ушбу иборалар миллий озоқлик ҳаракатининг моҳиятини сох-талаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва боль-шевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчи-лик сиёсати қарши курашларини ниқоблаш учун ўйлаб топилган ҳамда “бандитлик”, “қароқчилик” деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилган.

Энди Носирхон Тўрага нисбатан айбловлар тафси-лотига қайтамиз. Шу тарика “босмачилар” раҳнамоси ва раҳбари бўлиши Носирхон Тўра билан яқин алоқада бў-либ, унинг аксиклиқлибый жиноятига оид топшириқла-рини бажариб келганилиқда, жумладан, озик-овқат ва кийим-кечаклар етказиб берганилиқда ҳамда 1929-1930 йилларда мустабид тузумни ағдариш мақсадида “босма-чилик” тайёргарликларида ўзаро ҳамкорлик қилишда айбланиб, 96 юрдошларимиз қамоққа олинган.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган ана шу шахсларнинг барчаси ҳибсга олинган, дастлаб айбловни

инкор қилган бўлса-да, сўнг таъйинлар остида айбларига қороллик билдириб қўрсатма берган. Уларнинг ўртасида юзлаштириш ўтказилмасдан, фақат берган қўрсатмала-ри ишга тикилган.

Шу асосда “Носирхон Тўра иши” бўйича қатагон қи-лингиларнинг 28 нафари 1930 йил 30 январда Тошкент-да отиб ташланган. Бошқа айбланувчилар турли муддат-ларга озоқлиқдан маҳрум этилган.

## Иброҳимбек Чакабаев — Иброҳимбек қўрбоши.

Иш ҳужжатларига кўра, Иброҳимбек қўрбоши 1921 йилда Бухоро амيري қақируви билан “босмачилар” тўда-сига аъзо бўлиб, шўро тузумига қарши курашувчи йирик қуролли тўдага раҳбарлик қилган.

Иброҳимбек қўрбоши 1931 йил апрелда қақшатқич жангда мағлуб бўлган. Сўнг Қофирниҳон дарёси орқали Афғонистонга ўтиб кетмокчи бўлганида йигитлари билан бирга қўлга олинган.

Шундан кейин 1932 йил 13 апрелда Иброҳимбек қўрбоши ва 16 йигитга оид жиноят иши БДСБ томони-дан кўриб чиқилиб, уларни отиб ўлдириш тўғрисида қар-ор қабул қилинган. Иброҳимбек қўрбоши 1932 йил 31 августда, унинг йигитлари эса ўша йилнинг 10 сентябри-да отиб ташланган.

## Латиф Даминов — Самарқанд вилояти Митан туманидаги “Сталин йўлидан” газетаси муҳаррири.

Айблов ҳулосасига кўра, 1936 йилда Латиф Даминов газета муҳаррири эканидан фойдаланиб, совет тузумини ағдариш, Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришиш, Япо-ния ва Германия давлатлари СССР га қарши уруш эълон қилиши ҳамда СССР бу урушда ютқазуши ҳақида аҳоли ўртасида ваҳимали гапларни тарқатиб, совет иттифоқи-га қарши тарғибот олиб бorgan.

Латиф Даминов сўроқ ва қўшимча сўроқ пайтида ҳам айбига иқдор бўлмаган. У ҳеч қандай ноқонуний ташки-лотларга аъзо бўлмаганини, Митан туманида аксиклиқли-бый ташкилот борлигидан беҳабарлигини билдирган.

Шунга қарамай, СССР Олий суди ҳарбий ҳайъати сайёр судининг 1938 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, Латиф Даминов Жиноят кодексида назарда тутилган энг оғир жазо — отишга ҳужм қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган. 1938 йил 15 октябрдаги маълу-мотномага қараганда, Латиф Даминовни отиш ҳақидаги ҳужм ижроси ўша кунгиёқ амалга оширилган.

Биз бу ўринда Республика Бош прокурори ўринбоса-ри томонидан тегишли тартибда жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига киритилган протест асосида Олий суд томонидан қуни кеча оқланган 115 нафар марҳум юрдо-шларимизнинг фақат 3 нафарини қай тарзда қатагон қури-нига айлангани ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланим.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш жоизки, жиноят ишларида суд ҳукми ёки баённомаси мавжуд эмас. Бу ишлар бўйича фақат БДСБ уқлиги томонидан айби суд-да исботланмаган инсонларга нисбатан чиқарилган бе-шафқат қарорлар сўзсиз ижро этилган, ҳопос.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқимизнинг миллий ўзликини англаш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган кутлуг қадамлари муқаррам инсон зотиға ҳур-мат-эҳтиром кўрсатиш, инсон хотирасига нисбатан адо-лат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу амаллар билан узвий боғлиқ бўлиб, келгусида халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2821.  
76354 нусxada босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улғубек Асроров  
Мусаҳҳиш: Ойдин Алъутдинова  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқини — 23:35 Топширилди — 23:55